ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 55 (3537). | Шанба, 18 март 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

РАҲИМ Олимов «Ташгекстильмаш» заводининг илғор мастери, коммунистик меҳнат зарбдори. Ҳозир у Октябрь вахтасида туриб ишлаяпти. Суратда: (чапда) ўртоқ Р. Олимов.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯНГИЮЛДАГИ гидролиз заводида Светлана Абезивановани яхши танишади. Бу ёш лаборант ўз ишчанлиги билан ҳаммасининг ҳурматига сазовор. Суратда: (ўнгда) лаборант С. Абезиванова.

Ф. Лутфиллаев фотоси.

М. РАҲИМОВ «Ташхимсельмаш» корхонасининг коммунистик меҳнат зарбдори. У ўз смена топшириқларини доим ошириб бажаради, заводда актив жамоатчи ҳисобланади. Суратда: ўртоқ М. Раҳимов.

М. Нуриддинов фотоси.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг чорвадорлари сут топшириш йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқдалар. Моҳир сут соғувчи Ш. Муследдинова сигирлардан сут соғиб олишда пешқадамлик қилмоқда. Суратда: ўртоқ Ш. Муследдинова.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ДАСТУРХОНДА ЯНГИ КЎКАТ ПАЙДО БЎЛДИ

Тошкент бозорларида эртаги кўкат—салат, шовил, пиёз, кашнич, шивит пайдо бўлди.

Калинин ва Оржоникидзе районларидаги ихтисослаштирилган колхоз ва совхозлар полизларда етилган дастлабки ҳосилни йиғиштириб олиш билан бирга тупроққа карам кўчатларини ялпи утқазишга киришдилар, сабзи, лавлаги ва пиёз уруғлари экмоқдалар.

Тошкент областидаги хўжаликларнинг деҳқонлари сабзавот экинлари ва картошка етиштиришда «Қорасув» совхозидаги Носир Муҳиддинов бошлиқ механизациялашган звено тажрибасидан кенг фойдаланмоқдалар. Бу звено машиналардан кенг қўлланиб, хўжалик бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан қариб 50 процент мўл ҳосил етиштирди. Бунда бир центнер полиз маҳсулоти қўшни звенолардагига нисбатан 2 сўм 90 тийин арзонга тушди.

Тошкент областининг колхоз ва совхозларида механизациялашган ва хўжалик ҳисобида ишлаётган 1200 га яқин звено тузилди. Деҳқончиликда меҳнатни ташкил қилишнинг янги формасига ўтилганлиги дала ишларининг суръатини оширишга, ўсимликларни парвариш қилиш сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда.

КОЛХОЗДА ИҚТИСОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

ҲИСОБ-КИТОБ ПУХТА БЎЛСИН

Ўтган хўжалик йили қувончли бўлди. Саноат, қишлоқ хўжалиги бирмунча юксалди. КПСС XXIII съезди Директиваларини амалга оширишда улкан ишлар қилинди. Жуда кўп илғор колхоз, совхозлар деҳқончиликдан баракали хирмон кўтардилар, гектар бошига олинадиган ҳосилни бир йилнинг ўзида 5—7 центнердан кўпайтирдилар. Деҳқонларнинг реал иш ҳақи анча кўпайди. Айниқса иш звено принципи асосида йўлга қўйилган хўжаликларда бу соҳада қувончли натижаларга эришилди.

Янгийўл район партия комитети, ишлаб чиқариш бошқармаси колхоз ва совхозларда хўжалик ҳисобини тўғри йўлга қўйиш, одамларнинг топширилган ишга бўлган масъулиятини ошириш юзасидан бир қанча зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Агротехника ва иқтисодий кенгашларга раҳбарлик қилиш янада кучайтирилди. Агрономлар, экономистлар ва бошқа мутахассислар фаолият кўрсатиб, ташаббус билан ишлай бошладилар. Оз меҳнат сарф қилиб, кўп маҳсулот етиштиришга муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар.

Шу райондаги Ленин номли колхозда иқтисодий конференция ўтказилди. Конференцияга колхозчилар, участка, звено бошлиқлари, мутахассислар, шунингдек райондаги колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, партия ташкилотлари секретарлари, бош агрономлар, зоотехник ва экономистлар **таклиф этилди.** Конференция қатнашчилари Ленин номли колхознинг экономикасига доир бир қанча докладларни эшитдилар ва муҳокама қилдилар.

АРЗОН МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРАЙЛИК

Колхозда иқтисодий кенгаш тузилганига икки йил бўлди. Унинг 12 аъзоси бор. Кенгаш аъзолари ўз йиғилишларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, таннархини камайтиришга доир масалаларни тез-тез муҳокама қиладилар. Йўл қўйилган камчиликлар тузатилиб, илғорлар тажрибаси кенг ёйилади. Кенгаш аъзолари ерларнинг технологик картасини тузиб чиқилар. Ҳар бир звено ва участкада етиштириладиган маҳсулот ва ундан олинадиган даромад ҳисобланди. Кейин технологик карталар жойларга жўнатилди. Ким бу ишга яхши риоя қилган бўлса, ўша участка ва звенода арзон пахта етиштириди.

Конференцияда Абдулла Қўқонов, Собир Одилов ўртоқлар раҳбарлик қилган звеноларнинг номлари тилга олинди. Шу билан бирга бу икки звенода етиштирилган ҳосил ва унга кетган сарф-ҳаражатлар батафсил анализ қилиб берилди. Биринчи звено аъзолари иқтисодий кенгаш аъзоларининг маслаҳатларига тўла амал қилишган. Шунинг учун ҳам умумий кўрсаткичлар ҳаммани қувонтириб турибди. Ўтган йили звено 64 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 29,4 центнер ҳосил етиштиришни таъминлади. Давлатга 189,9 тонна пахта топширилиб, план 118,4 процент адо этилди. Ҳар гектар ерга 138 сўмлик материал сарф-ҳаражат қилинган. Бир центнер пахта етиштиришга кетган жами ҳаражат 4 сўм 60 тийинга тушган. Шу маҳсулотга 1 сўм 80 тийинлик азот ўғити сарфланган. Ўртача ҳар бир колхозчининг етиштирган пахтаси 8 тонна-ю 200 килограммга етган. Колхозчиларнинг йиллик даромади ўртача 933 сўмга тўғри келди.

Собир Одилов бошлиқ звено 53 гектардан 23,6 центнердан хирмон кўтарди. 123 тонна пахта сотиб, планни 97 процент бажарди. Шундай бўлса ҳам бу ерда сарф-ҳаражат кўпайиб кетган. Ҳар бир гектар ерга кетган материал сарфи 137 сўмга, бир центнер пахта етиштириш 6 сўмга тушган. Азот ўғит сарфлаш кўпайган. Оқибатда колхозчининг йиллик даромади 577 сўмга тенг бўлди.

Бир ариқдан сув ичиб, бир хил шароитга эга бўла туриб, турлича ҳосил олаётган звено, участкалар озмунча эмас. Агар ҳамма ерда ҳам технологик картада белгиланган ишлар амалга оширилганда борми, бундай кўнгилсиз фактларга дуч келинмасди. Колхозда пахтачилик сердаромад соҳалардан бири ҳисобланади. Биргина ўтган йили пахтачиликдан келган фойда 352 минг 249 сўмни ташкил қилди. Бу йил эса пахтадан 361 минг 500 сўм соф фойда олиш мўлжалланмоқда.

Бошқа экинларданчи?

— Бу соҳадаги ишимиздан қаноатланмаймиз, — дейди иқтисодий кенгаш раиси **Ҳасанбой Толипов,** — хўжаликда бажарилган ишлардан фақат 13 процентидангина соф фойда келди, холос. Картошка етиштиришда жиддий камчиликка йўл қўйилди. Экинга ўз вақтида қаралмади. Оқибатда ерга ташланган уруғни қоплайдиган даражада ҳам ҳосил олинмади. Бундан 3793 сўм зарар қилдик. Богдорчиликдан 13798 сўм зарар кўрдик. Сабзавот, полиз экинларидан ҳам ана шундай кам ҳосил олдик.

Экономист чорвачилик соҳасидаги ишлар шу вақтгача кенг механизациялаштирилмаган лигини ачиниб гапирди. Гўшт, сут, тухум тайёрлашда йўл қўйилган камчиликларни бирма-бир айтиб берди. Тўғри, айрим чорвадорлар билан гаплашиб қолинса борми, яйловимиз йўқ, шу сабабли ҳаракатимиз кўп деб нолишади. Бу ўринлими, йўқ албатта. Фермадаги асосий камчиликлардан бири шуки, ҳали ҳам ортиқча ҳаражатларга чек қўйилмаган. Хашак майдалаб берилмайди. Натижада нушхўрт кўпайиб кетади. Бедачилик ривожланмаган. Чорвадорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш масаласи билан чинакамига шуғулланилмайди. Маъмурий-хўжалик, бошқарув аппаратида штатлар ортиқча кўп.

Конференцияда трактор ларни ва тирков асбобларини тежаб-тергаб ишлатиш, кераксиз эҳтиёт қисмларни кўр-кўронасига сотиб олмаслик, ёқилғи сарфлашдаги хўжасизликка чек қўйиш ҳақида ҳам анчагина гап бўлди. Катта ва кичик хўжаликда ҳам аниқ ишлаш керак. Ҳар бир ишда кам сарф қилиб, кўп даромад олиш йўлини ўйлаш ва уни тўғри амалга ошира билиш зарур. Ана шундагина ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаси сердаромад бўлади.

ЕР УНУМИ — ДЕҲҚОН ТУЙИМИ

Ер саҳий. Ардоқлаб, миёрига етказиб ишлов берсанг — ҳосилини аямайди. Кузга келиб, хирмон-хирмон ҳосил оласан. Мабодо шундай қилинмаса, ернинг умри бекорга ўтади, ҳамкасбларинг олдида таъналар эшитасан, Тупроқ олтинга тенг. Унинг бир ҳовучини ҳам қадрлаш зарур. Шундагина ер сени ҳам, оилангни ҳам боқади, кийинтиради. Шон-шуҳратингни оширади.

Кенгаш қатнашчилардан бири, звено бошлиғи Турсунбой Хўжанов ернинг унумдорлигини ошириш ҳақида гап кетаётганида сўзни зўр эътибор билан тинглаб ўтирарди. Чунки бу киши ёшлигидан деҳқончилик билан шуғулланади. Бир неча йилки, звенога бошчилик қилади. Ерга ер қўшмай, йилига ҳосилдорликни оширишга эришади. Ерни чарчатиб қўймаяпти. Алмашлаб экиш тўла жорий этилган. Вилт билан касалланган ерни беда экиб тозалаб олган. Энди гектаридан муттасил 30 центнерга етказиб ҳосил оляпти.

— Ердан унумли фойдаланиш, — деди ўз сўзида колхознинг бош агрономи агротехника кенгашининг раиси **Раҳмон Қаюмов,** — бизнинг шароитда гоят катта аҳамиятга эга. Сабаби, ортиқча ериниз йўқ. Территориямиздаги асосий майдонлар ўзлаштириб бўлинган. Шунинг учун ҳам ички резервлар ҳисобига, айниқса тупроқнинг унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосилни кўтаришимиз керак. Колхозчиларни маълум карталарга бириктириб қўйилиши бу соҳадаги муҳим омиллардан бири бўлди. Биз ер ҳайдашдан тортиб, йиғим-теримгача бўлган ишларни ўз вақтида ўтказишга жиддий аҳамият бера бошладик. Арик-зовурларни барвақт тозалаб, маҳаллий ўғит чиқариш кучайтирилянти. Миришкор деҳқонлар шундоғ қилинган ерларда кўпроқ нам тўплаш чораларини кўрмоқдалар. Кераксиз ариқ-зовурлар текислаб ерга қўшиб юборилди. Карта четларидаги ва ўрталаридаги мевасиз дарахтларнинг таг-томири билан сугуриб олянпмиз. Карталаримиз яхлитлаштирилиб, механизациядан кўпроқ фойдаланиш имконияти туғиляпти.

Экинларни тўғри жойлаштиришга ҳам муҳим эътибор берилмоқда. Ўтган йили тажриба тариқасида 106 гектар ерга «Уз-144» навли чигит экиш тавсия қилинганди. Ёмон бўлмади. Янги нав «108-Ф»га нисбатан 8—10 кун эрта пишди. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортларга топширилди. Гектаридан олинган пахта 30 центнердан ошди. Агротехника кенгаши бу йил янги навли чигит уруғини 500 гектардан ортиқ ерга экиш кераклиги ҳақида бир қарорга келди. Кенгаш тупроқ карталарига қараб минерал ўғитларни тақсимлаш графигини тузиб чиқди.

КАРТАЛАР БУЛИБ БЕРИЛСИН

Конференциянинг тематикаси кенг эди. Турли касб эгалари доклад қилишди. Оддий колхозчи **Хурбуви Нишоналиевнинг** сўзи ҳам кўпчиликнинг диққат эътиборини ўзига тортди. У ўзи ишлаётган звено аъзоларининг мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибаларини айтиб берди:

— Бундан бир неча йил олдин норма бажармовчи, ишга кеч келиб, турли баҳоналарни рўкач қилиб, эрта кетиб қолувчилар кўп эди. Кетмон чопиғи-чи. Хўжакўрсинга эди, палапартиш ўтарди. Биримиз ундоқ, биримиз бундоқ чопиқ қилардик. Шунинг учун ҳам орадан иккиуч-кундан кейин яна ўт ўсиб чиқаверар эди. Кузга келиб пахта тўлмасди. Даромад ўрнига қарз бўлиб қолардик.

Иш звено принципи асосида йўлга қўйилгач, аҳвол ўзгарди. Нарядсиз, ихтиёрий принцип асосида ишлай бошладик. Эрта кўкламдан бошлаб звеноннг ери колхозчиларга тақсимланиб берилади. Виждон билан ишляпмиз. Ҳар ким ўзига биркитилган картадаги бегона ўт илдизларини юлади, ариқ, ўватларни тартибга келтиради. Паст-баланд ерларни текислайди. Чигит ерга ташлангач, яганани, чопиғини ҳам ўзимиз ўтказамиз. Август ойи охирига ҳар ким ўз картасида ишлайди.

Сифат комиссияси ҳар ойда икки марта бажарган ишимизни қабул қилиб олади. Агар ўт босиб кетса, ё бошқа ишлар сифатсиз бажарилгудек бўлса, ундай колхозчиларнинг камчилиги дарҳол кўрсатилади. Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши орқасида бизда меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Ҳар бир киши ҳалол ишлашга одатланиб қолди. Ҳамма картада иш сифатли бажарилса, ҳосил ҳам кўп етиштирилар экан. 1965 йили звеномиз 28 центнердан, ўтган йили эса 29 центнердан пахта етиштирди. Даромадимиз ортди. 1965 йили мен 174 кун ишлагандим. Бунинг эвазига 916 сўм пул олдим. Ўртача звено аъзоларининг ойлиги ўша йили 140 сўмданга тўғри келди. Бир иш кунига эса салкам 5 сўмдан пул тақсимланди.

Ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлар бизни қувонтириб юборди. Ўтган йили янада баракали меҳнат қилдик. Планимизни ошириб бажардик. Даромадимиз бошқаларникига нисбатан кўп бўлди. Ошиқча топширган пахтамиз эвазига устама мукофот ҳам олдик. Оқибатда ҳар бир иш кунига 5 сўм 70 тийиндан пул тақсимланди. Яқинда биз звеномиз аъзолари билан бафуржа гаплашиб олдик. Юбилей йилида ҳар гектар ердан камида 32—35 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан мажбурият олдик. Шу мақсадда звено аъзоларининг кучига қараб 6—8 гектардан ер ажратиб олинди. Ўтган йили мен 6 гектар ердаги ғўзани парвариш қилган эдим. Бу йил 10 гектар ерни ўзимга ажратиб олдим. Баъзи кишилар бу бир киши учун оғир-ку деб айтишлари мумкин. Йўқ, бундай эмас. Ишл бошидан ерни тоза тутаман. Экинни бегона ўтларга олдириб юбормайман. Механизатор ўртоқлар билан биргаликда ишлайман.

Бу моҳир пахтакор қиз картошка, полиз, сабзавот экинларни етиштиришда ҳам звено принципи асосида ишни ташкил қилиниши маъқул деди.

Конференция қатнашчилари пландан ташқари етиштирилган маҳсулотнинг 50—80 процентини звено аъзоларига мукофот тариқасида бериш мақсадга мувофиқ деган фикрни қувватладилар. Агар шундай қилинса хўжаликда пахтачилик билан бир қаторда сабзавотчилик ҳам сердаромад, фойда келтирадиган соҳалардан бирига айланади.

Конференцияда тўла гектар учун кураш, ғўзани ягана қилиш, чопиқ, суғориш ва культивациянинг сифатига қараб ҳақ тўлаш ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Конференция қатнашчилари ҳамма ерда нарядсиз комплекс механизациялашган звеноларни тезроқ тузиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдилар. Кенгашда колхоз тафтиш комиссияларининг иш структурасини қайта кўриб чиқиш ҳақида ҳам гап бўлди

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** нутқ сўзлади.

Конференция қатнашчилари ҳар бир соҳада юксак кўрсаткичларга эришиб, юбилей йилини қувончли якунлаш юзасидан муҳим тадбирлар белгиладилар.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

БАЙРОҚДОР КОЛЛЕКТИВ

«Ташсантехгазмонтаж» трести коллективининг шуҳрати республикамизга кенг ёйилган. Бу ёш трест монтажчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари зилзиладан зарар кўрган республикамиз пойтахти жамолини янада гўзал қилиб тиклашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Коллектив ўтган йилнинг тўртинчи кварталида жуда баракали ишлади. Квартал топшириғи деярли барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этилди. Мамлакатимиздаги бир ярим мингга яқин монтажлаш ташкилотлари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада юксак натижаларга эришилди. Бундай самарали меҳнат муносиб тақдирланди. Коллектив СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофотини олишга муяссар бўлди.

Бундан бениҳоя рухланган монтажчилар беш йилликнинг иккинчи йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлаш, Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига муносиб тортиқлар билан келишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ўзаро социалистик мусобақа кундан кунга авж олмоқда.

Ш. ҚОДИРОВ.

БОҒ-РОҒЛАР ЯРАТАЙЛИК

«ДЎРМОН» боғдорчилик-виночилик совхозида иш қизғин. Боғбоклар мевали дарахтларни меҳр билан парваришлаб, ҳосилдорлигини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Дарахт шохларини яхши формага киритишда кишиневликлар тажрибасидан моҳирлик билан фойдаланишяпти. Бир-бирларига киришиб кетган шохларга ип тортиб ораларини очиб қўйилмоқда. Суратда: (чапдан) коммунист Т. Аҳмедова, Ш. Шокирова ўртоқлар олма дарахтлари шохларининг ораларини очмоқдалар.

С. Махов фотоси.

ҲАМРОҚУЛ ТУРСУНҚУЛОВ ХОТИРАСИГА

Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқуловга бағишланган скульптура композицияси авторлари — П. Иванов, М. Мусабоев, С. Эшонхўжаев ва бошқа тошкентлик ҳайкалтарош ва архитекторлардир. Улар совет пахтачилигининг моҳир устасига қўйиладиган ёдгорлик лойиҳасини тайёрлаш учун ўтказилган Бутуниттифоқ очиқ конкурсида биринчиликни эгаллашган. Улар қуриладиган иншоот тугал лойиҳасини шу конкурс комиссияси айтган мулоҳаза ва таклифларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқдилар.

Тошкентлик ҳайкалтарош ва архитекторларнинг фикрини республика Маданият министрлиги маъқуллади ва ҳозир унинг иш чизмалари тайёрланяпти. Х. Турсунқуловга қўйиладиган ёдгорлик Тошкентда, Чилонзордаги янги кварталлардан бирининг территориясида қад кўтаради. (ЎзТАГ).

ВЬЕТНАМДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитетида 16 мартда Вьетнамни қувватловчи Совет Комитетининг жамоат ташкилотлари вакиллари иштироки билан кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлис СССРда ўтказилаётган, Вьетнам халқининг кураши билан бирдамлик ҳафтасига бағишланди.

Вьетнамни қувватловчи Совет Комитетининг раиси, ВЦСПС секретари П. Т. Пименов мажлисда сўзга чиқиб айтдики, шу кунларда мамлакатимизнинг ҳамма жойида совет кишилари Америка агрессорларининг Вьетнамдаги ёвуз жиноятларини қаттиқ қораламоқдалар. АҚШнинг ҳукмрон доиралари Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг сулҳ тузишга қаратилган ва равшан ифодаланган ташаббусини рад этиб, нейинги вақтларда янги агрессив ҳаракатларни бошлаб юбордилар. Бу агрессив ҳаракатлар жиноий урушни тағин ҳам хатарлироқ тарзда кенгайтиришдан иборат бўлмоқда.

Бутун инсоният, — деди П. Т. Пименов, эрксевар Вьетнам халқига хайрихоҳ бўлиб турибди. Курашаётган Вьетнамни Совет Иттифоқидан ва унинг бошқа дўстларидан янгилаб қўйишга муваффақ бўламиз, деб агрессорларнинг тузган режалари тамомила барбод бўлди. Бутун совет халқининг қатъий ва ўзгармас позицияси шундан иборатки, АҚШнинг жиноий агрессиясига чек қўйилсин, интервенциячиларнинг барча қўшинлари Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетилсин, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти танилсин, Вьетнам халқига ўзининг ички проблемаларини ҳеч бир чет давлатни аралаштирмай, ўзи ҳал қилиши учун тўла эркинлик берилсин.

Вьетнамни қувватловчи Совет Комитетининг аъзолари — Қирғизистон медицина институтининг ректори В. А. Исабоев, СССР халқ артисти С. Эшонтораева, Озарбайжон халқ шоири Расул Ризо сўзга чиқиб, қаҳрамон Вьетнам халқини қизғин қувватладилар ва унга бирдамлик изҳор қилдилар. Вьетнам Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Нгуен Тхо Тянни ҳамда Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг СССРдаги доимий вакиллигы бошлиғи вазифасини бажарувчи Нгуен Ван Донгни мажлис аҳли қизғин кутиб олди ва улар шу мажлисда нутқ сўзладилар.

Мажлис қатнашчилари яқдиллик билан қабул қилган баёнотда уқтириб айтилдики, Вьетнамни қувватловчи Совет Комитети миллион-миллион совет кишиларининг ялғи хис-туйғуларини ва фикрларини ифодалаб, КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг қардош Вьетнам халқига ҳар томонлама ва амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган қатъий ва изчил йўлини тўла қувватлайди ва яқдиллик билан маъқуллайди.

Мажлис қатнашчилари Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Вьетнам Демократик Республикаси Комитетига ҳамда Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетига ёзилган табрикнома текстини яқдиллик билан қабул қилдилар.

АҚШ ҳарбийларининг Вьетнам элидаги босқинчилигига қарши Олмаота, Фрунзе, Брянск шаҳарларида ишчиларнинг норозилик митинглари бўлиб ўтди.

Вильнюс мебель экспериментал — конструкторлик бюроси коллективи ўзининг митингида нурашаётган Вьетнамга бирдамлик изҳор қилди. Митинг қатнашчилари ишчи аёл А. Савитскэнэнинг Вьетнамга ёрдам фондига бир смена ишлаб берамиз, деган таклифини қизғин қувватладилар.

Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари Америка империалистларининг Вьетнамдаги агрессив ҳаракатларига қарши ғазаб билан норозилик билдиришди.

Совет—Вьетнам дўстлиги жамиятининг коллектив аъзоси бўлган Вишне Волочок ип газлама комбинатининг тўқимачилари бир сменада ишлаб тушган пулни вьетнамлик дўстларга ёрдам фондига беришга қарор қилишди.

Митингларнинг қатнашчилари яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияларда АҚШ ҳукуматидан Вьетнамдаги жирканч урушни тўхтатишни ва унинг территориясидан ўзларининг барча қўшинларини олиб чиқиб кетишни талаб қилмоқдалар.

«Вьетнамдан қўлингни торт!» — совет яқшилари шундай демоқдалар. (ТАСС).

Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинати қурилишида ишлаётган барча бинокорлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб тортиқлар билан кутиб олишга астойдил киришмоқдалар. Ўзаро социалистик мусобақанинг кундан-кунга авж олдиришяпти. Ушбу суратдаги сиз кўриб турган Эдуард Шмидт (чапда) ва Ёқуб Мусаев ўртоқлар ана шу мусобақа пешқадамларидан. Улар норманн 130 процентга етказиб бажаришяпти.

А. Абалян фотоси.

ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иқтисод қилиш ва тежамкорликнинг оммавий кўригини ўтказиш тўғрисида муҳим қарор қабул қилди. Бу қарорда халқ бойлигини кўз қорачиғидай сақлаш ва кўпайтириш учун партия ташкилотлари ва хўжалик коллективларининг вазифалари очиқ-ойдин кўрсатиб берилган.

Юқоричирчиқликлар бу қарорни қизғин маъқуллаб кутиб олдилар ва унга амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Район партия комитети район кўрик комиссиясини тузди ва тасдиқлади. Колхоз, совхоз ва заводларда партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва халқ контроли группаларининг вакилларидан иборат кўрик комиссиялари ташкил этилди. Ҳозир колхоз, совхоз ва саноат корхоналарида 34 комиссия ҳамда район мактаблари ва ташкилотларида 26 комиссия иш олиб бормоқда.

Бундай комиссияларнинг актив иш олиб бориши натижасида ижобий натижаларга эришиляпти. Эндиликда комиссиялар ҳар бир хўжалик ва ташкилотда исрофгарчиликка қарши курашни кучайтириб юборганликлари туфайли материаллар, маблағлар тежаб-тергаб сарфланадиган бўлиб қолди. Беҳуда сарфларга чек қўйилаяпти.

Район матлубот жамияти союзининг правленнеси ўтган йили кооператив мулкини сақлашга эътиборсизлик билан қараганн аниқланди. Савдо ходимларининг бепарволиги натижасида магазинларда товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қоидалари бузилди. Шунинг учун 16,2 минг сўмлик товар нормадан ошиқ чиқитга чиқарилди. Бундан ташқари магазинларда узоқ туриб қолиб, ўзининг дастлабки сифатини йўқотган товарлар қайтадан баҳоланиши туфайли 20,4 минг сўм зарар кўрилди.

Айрим корхоналарда маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун мавжуд резервлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Бу эса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошиб кетишига олиб келмоқда. Масалан, Янгибозор луб заводи ўтган йили маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетишига йўл қўйди. Заводда маҳсулот таннархи пландагидан 608 минг сўмга ошиб кетди. Худди шу аҳвол Юқори Чирчиқ луб заводида ҳам юз берди.

Баъзи бир хўжаликларда техника, запас қисмлар ва қурилиш материаллари очиқ жойда ётади. Ёқилғи ҳамда ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланишга камдан-кам эътибор берилмоқда. Натижада хўжаликлар кўп миқдорда зарар кўрмоқдалар. Шу сабабли ҳар бир грамм ёқилғи ва ёнилғи ҳисобсиз ва ўринсиз сарф қилинишига йўл қўймаслик хўжалик раҳбарларн ва механизаторларнинг диққат-марказида бўлиши лозим.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва унинг унумдорлигини ошириш катта аҳамиятга эгадир. Лекин шундай ташкилотлар ҳам борки, уларда меҳнат режимига қатъий риоя қилинмайди. Ходимлар иш вақтининг унумли бўлиши учун ҳаракат қилмайдилар. Бундай аҳвол пахта тайёрлов пункти, автобаза ва бошқа ташкилотларнинг коллективларида рўй беряпти. Умумий овқатланиш тармоқларида ҳам тежамкорлик эътибордан четда қолиб келмоқда. Ходимларнинг бепарволиги туфайли кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишга ярамай қоляпти. Комиссия ҳозир ана шу камчиликни тузатиш тадбирларини кўряпти.

Маълумки, ҳар бир хўжалик, корхона ва ташкилотларда моддий бойликларни кўпайтириш омиллари бўлган ички резерв ва имкониятлар бор. Бироқ ҳамма ерда ҳам ана шу резервлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётир.

Эътироф этиш лозимки, оммавий кўрик ўтказиш ишига киришилиб, дастлабки тадбирлар амалга оширилди. Колхозларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиши даврида иқтисодий тежамкорликка ҳар қачонгидан ҳам диққат-эътибор кучайтирилди. Ҳар бир хўжаликда иқтисодий анализ бюролари катта иш олиб борди. Бюро аъзолари колхоз экономикасини чуқур ва атрофлича анализ қилиб, ноўрин қилинган харажатларни кўрсатиб бердилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берадиган резервларни аниқладилар. Уларнинг ёрдами туфайли маблағ, электр қувватини тежаш юзасидан ҳозирнинг ўзидаёқ айтишга лойиқ ишлар қилинди. Аммо бир қатор хўжаликларда ва ташкилотларда комиссияларнинг активлиги ҳанузгача оширилгани йўқ.

Тежамкорлик учун бошланган дадил юриш партия ташкилотларининг ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашига сазовор бўладиган ишдир. Шундай бўлгач колхоз, совхоз, завод ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич партия ташкилотлари кўрик комиссияларининг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиб, улар аниқлаган камчиликларни тез бартараф этиш учун конкрет тадбирлар кўришлари лозим.

Колхозчилар, совхоз ва завод коллективлари орасида улуғ юбилей йилида иқтисод қилиш ва тежамкорликдан келадиган манфаатни кенг тушунтириб бориш зарур. Масаланинг ана шу томони муҳимлигини ҳисобга олиб, ишлаш талаб этилади.

Н. НОСИРОВ,
Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари, район кўрик комиссиясининг раиси.

ИЛМИЙ АСОС ВА МЕҲНАТ

1-пойафзал фабрикаси областимизнинг йирик корхоналаридан ҳисобланади. 4 мингдан ортиқ ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчини ўзига бирлаштирган коллектив ҳар йили 6 миллион жуфтга яқин оёқ кийимлари ишлаб чиқармоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга сифатини яхшилаш, ассортиментини кенгайтириш борасида ҳам дуруст ютуқларга эришилаяпти. Давлат планлари муваффақиятли бажарилиб, барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар тинмай оширилмоқда.

Фабрика коллективи бундан икки йил муқаддам республикамиз корхоналари ичида биринчилар қатори ажойиб ишга қўл урди: савдо ташкилотлари билан бевосита алоқа ўрнатди. Фабрика цехларида тайёрланаётган турли-туман пойафзаллар тўғри савдо шохобчаларига етказиб берила бошланди. Бу тажриба коллектив олдига катор вазифаларни қўйди, ҳар бир пойафзалчи зиммасига қўшимча масъулият юклади. Айниқса, маҳсулот сифатини кескин яхшиланш тақозо этди. Замонавий моделдаги пойафзаллар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш зарур бўлиб қолди.

Шуни ҳисобга олиб корхона маъмурияти қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширди. Натижада ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва маданияти ошди, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, ассортименти кенгайиб, сифати яхшиланди. Ҳар бир сўмлик асосий фондлардан жамгарма олиш ортди. Корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичлари анча яхшиланди. Ўтган йили асосий ишлаб чиқариш фондлари ва оборот маблағлари учун ҳақ тўлаш, банк кредитларига қўшимча процентлар тўлаш планлари бажарилди. Моддий рағбатлантириш, социал-маданий тадбирлар, уй-жой қурилиши, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондлари ташкил этилди.

Лекин ишлаб чиқаришнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди. Савдо ташкилотлари билан бевосита алоқа қилиб ишлашга ўтиш маҳсулот сифатини кескин оширишни талаб этди. Шу сабабли пойафзалларни пардозлаш ва бошқа қатор операцияларни бажаришга меҳнат сарфиёти кўпайди. Корхона маъмурияти меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини қидира бошлади. Бошқа тадбирлар қаторн меҳнатни илмий асосда ташкил этишга катта эътибор берилди.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг жуда кўп афзалликлари борлиги ҳаммага маълум. У ҳар бир коллектив фаолиятини кескин яхшилашга олиб келади. Шунинг учун фабрикада бу иш ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчининг шарафли бурчи деб эълон қилинди. Цехларда ижодий бригадалар ташкил этилди. Тажрибали нормаловчилар, иқтисодчилар, технологлар, мастерлар, ишлаб чиқариш илғорлари ана шундай бригадаларга аъзо бўлишди. Айни вақтда бу бригадалар ишини умумлаштириш учун корхона бўйича махсус комиссия ташкил этилди.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш планларини ишлаб чиқиш давритда меҳнатни ташкил этишнинг жамоат кўриги ўтказилди. Таклифларни йиғиш учун ишчилар орасида тушинтириш ишлари олиб борилди. Инженер-техник ходимлар учун семинарлар ташкил этилди. Уларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тадбирларини жорий қилиш йўллари, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Семинар якунлари ва ҳар бир коллектив олдида тўрган вазифалар партия, касаба союз ташкилотлари йиғилишларида вақти-вақти билан муҳокама қилиб турилди.

Ижодий бригадалар ишлаб чиқаришдаги баъзи камчиликларнинг содир бўлиши, уларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқурроқ ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Асбоб-ускуналар ва технология оснасткаларининг ҳолати, технология жараёнларига қандай амал қилаётганлиги, иш жойларида меҳнатни ташкил этишнинг аҳволини чуқур ўргандилар. Шундан сўнг меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тадбирлар плани ишлаб чиқилди.

Айниқса 4-цехнинг эркаклар туфлиси тикиш участкасида технология жараёнларини такомиллаштириш юзасидан анчагина ишлар қилинди. Бу ерда иш вақтгача фойдаланилмай ётган резервлар аниқланди. Заготовкани қолипга кийгизиш операциясида ҳар сменада илгари икки киши ишларди. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш туфайли ҳар сменада бир киши ишлайдиган бўлди. Бунинг эвазига йилига бир ярим минг сўмга яқин жамғарма олиш имконн туғилди. Заготовкага махсус химикат суртиш операцияси билан шуғулланувчи ишчилар сони ҳам камайди. Бу йилига 1200 сўмлик иқтисодий самара беради. Худди шундай яна бир жараённи такомиллаштириш йўли билан 850 сўм фойда олинди. Ўтган йили 4-цехда ҳар йили 9 минг сўмга яқин жамғарма берадиган 22 тадбир амалга оширилди. 7-цехда кўрилган чоралар 6 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара берди.

Бу йил 5 ва 6-цехлар, қатор участкаларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш планлари ишлаб чиқилди ва бирин-кетин амалга оширилаяпти. Бу тадбирлар ҳам шубҳасиз шу цехлар коллективлари фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, корхона маъмурияти меҳнатни илмий асосда ташкил этиш йўлида айрим камчиликларга ҳам йўл қўймоқда. Бу муҳим ишда изчиллик йўқ. Белгиланган барча ташкилий-техникавий тадбирлар тўла рўёбга чиқарилмаяпти. Фикримизнинг далили учун шундай мисол келтириш мумкин: ўтган йили 4-цехда 28 та тадбир кўрилиши керак эди, амалда эса 22 таси жорий қилинди. Қолган 6 та муҳим тадбир амалга оширилганда олинадиган самара янада салмоқлироқ бўлур эди. 7-цехда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш йўлида қилинган ишлар ҳам нуқсонлардан ҳоли бўлмади.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг энг яхши ташкилотчилари, жонкуярлари ҳамма вақт ҳам моддий ва маънавий рағбатлантирилмади. Уларнинг таклифлари суст оммалаштирилди. Бу кампания давомида ходимларнинг ижодий ташаббусларини кенгайтириш, иқтисодий билимларини ва малакаларини ошириш масалаларига етарли эътибор берилмади. Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатининг оммавийлигини таъминлаш ва уни меҳнатни илмий асосда ташкил этиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг тўла амалга оширилишига сафарбар этиш эътиборидан четда қолди.

Лекин, шунга қарамай, 1-пойафзал фабрикаси коллективининг меҳнатни илмий асосда ташкил этиш юзасидан қилган ишлари таъдирга сазовордир. Бу, албатта, катта ишнинг дебочаси. Бундан буён ҳам меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг кенг кўламда жорий этиб, коллектив фаолияти барча техника-иқтисодий кўрсаткичларининг янада яхшиланишига эришиш зарур.

М. МИРҲАМИДОВ.

ХУШХАБАР ЖАРЧИЛАРИ

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Почтальон. Бу сўзни тилга олганимизда газета-журнал, хатлар тўла сумкани елкасига осиб олган, юриб чарчамайдиган кишилар кўз олдимизга келади. Уларни ҳар бир хонадон қадрдон кишисидек кутиб олади.

Мана йигирма йилдирки Б. Исмоилова почтальонлик қилади. Ишчан, меҳрибон бу аёл ҳар куни юзлаб хонадонларнинг меҳмони бўлади. Газета, журнал, хат, телеграммалар тарқатиш билан бирга нуроний отахон ва онахонларимизга пенсия пулларини ҳам келтириб беради. Шунинг учун ҳам уни «Қорасув» совхози биринчи бўлими ишчилари ҳурмат қилишади,— деб ёзади штатсиз мухбиримиз **И. Уринбоев.**

Аҳмад Ёқубов Ўрта Чирчиқ район алоқа бўлимининг энг актив ва жонкуяр ходимларидан бири ҳисобланади. Агар у шу кунгача босиб ўтган йўлни ҳисоблаб кўрадиган бўлсангиз, ер курраснни айланиб чиққан саёҳатчидан ҳам кўп йўл юрганлигининг гувоҳи бўласиз. У Куйбишев номли колхоз меҳнаткашларига хизмат қилади. Ҳар куни неча-неча километр йўл юради, газета-журналлар, хатлар эътибор берилган районлараро почта-алоқа бўлимининг ходими Ф. Гриншпун, эски Тошкент қишлоқ совети алоқа бўлимининг почтальони Қ. Бердимуродов ҳалол меҳнатлари туфайли эл ҳурматини қозонганлардан. Уларнинг фидокорона меҳнатлари ҳақида **Қ. Булганбоев, Ш. Расулов, Н. Ҳайруллаев, Й. Уринбоевлар** ёзиб юборишган.

Оққўрғондин штатсиз мухбиримиз **М. Канзафаров** жамоатчи матбуот тарқатувчилар хизмати муносиб тақдирланганлиги ҳақида хабар қилади. Унинг хабар беришича райондаги 3-мактаб илмий бўлим мудири А. Аҳмедов, Димитров номли колхоз аъзоси П. Ким, «Ленинград» колхозидан Г. Пак «Правда» газетасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлар.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЧУҚУР БИЛИМГА ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Республика пойтахтидаги Ленин районининг партия активлари ўз назарий конференцияси учун «Социалистик революциянинг ленинча назарияси ва замонавийлик» деган темани танлаб олишди. Улуғ Октябрнинг галабаси жаҳон социалистик системасининг вужудга келишига қандай таъсир кўрсатганлиги, КПСС ва қардош компартиялар социалистик революциянинг ленинча назариясини қандай қилиб ижодий ривожлантираётганлиги шу теманинг асосий масалалари бўлди.

Жаҳон социализм системаси тараққиётининг қонуниятлари ҳақида, ҳозирги давр ва жаҳон коммунистик ҳаракати бош йўлининг характери тўғрисида, миллий озодлик ҳаракати ҳозирги босқичининг характери ҳақида ҳам докладлар қилинди.

Бу — Тошкентда Совет давлатининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан ўтказилаётган бир қанча назарий конференциялардан биридир. (ЎзТАГ).

ҲАНГАРОНДАГИ 9-шахта кончилари ой сайин плиндан ташқари кўплаб тонна «қора олтин» қазиб чиқаряптилар. Бу ишда уларга «Тула» комбайни яхши иш бераяпти. Ана шу машина ёрдамида конда меҳнат унумдорлиги икки баравар ошди. Комбайннинг ишлай бошлаганига унча кўп вақт бўлмаганига қарамай шахта дастлабки ойлардаёқ 70 минг сўмдан ортиқ фойда олди.

Суратларда: (юқорида) коннинг механизацияланган звеноси бошлиғи ўртоқ Г. Емченко. (Пастда) кон машинисти Раҳим Одинаев.

Қ. Розиқов фотолари, ЎзТАГ фотохроникаси.

Тошкент революцион воқеалари хроникаси

1917 ЙИЛ

1917 йил 27 февралда (янги ҳисобда 12 мартда) большевиклар раҳбарлигида Петроград ишчилари қўзғолони ғалаба билан якунланиб, чор ҳокимиятининг амалдорлари кетма-кет қамоққа олинди, подшо ҳам тахтдан воз кечди. Революция ғалаба қилди. Шундай қилиб Февраль буржуа-демократик революциясн партиясининг энг яқин вазифасини бажарди — чоризм ағдарилди. Натижада капитализмни тугатиш ва социалистик жамият қуриш учун имконият йўли очилди. Шундан сўнг большевиклар сиёсий активлиги яна ҳам ошган инқилобчи оммага бош бўлиб, буржуа-демократик революциясини социалистик революцияга айдантириш учун курашни кун сайин авж олдирдилар.

Бундан буён газетхонларни февраль революциясидан кейин Тошкентда авж олган ва ниҳоят Октябрь ғалабасига олиб келган революцион воқеалар хроникаси билан таништириб борамиз.

ФЕВРАЛЬ — МАРТ

27 ФЕВРАЛЬ — РСДРП(б) Марказий Комитети Бюроси «Россиянинг барча гражданларига» Манифест эълон қилиб, чоризмнинг қулаганлиги ва февраль буржуа-демократик революциясининг ғалаба қилганлигини билдиради.

1 МАРТ — Тошкентда подшонинг ағдарилганлиги тўғрисида хабар тарқалади.

2 МАРТ — Урта Осиё темир йўлининг Бош мастерскойида ишчилар митинги бўлади. Бунда шаҳар Советига депутатлар (25 киши) сайланади. Шу куни Бородинск устахоналари ишчиларининг ҳам митинги бўлиб, шаҳар Советига улар ҳам депутат (8 киши) сайлашади.

3 МАРТ—РСДРП(б) бирлашган ташкилотлари аъзоларининг биринчи йиғилиши бўлади. Бу йиғилиш реакция йилларида Туркистон ўлкасида тор-мор келтирилган революцион-демократик группалар ва ташкилотларнинг яна қайта туғилишига асос солади.

Туркистонда чиқадиган ҳамма газеталар Петроградда буржуа-демократик революциясининг ғалабаси тўғрисида хабар босиб чиқарадилар.

4 МАРТ — Солдат депутатлари Совети ташкил этилади.

5 МАРТ — Қайта дунёга келган социал-демократик ташкилотларнинг ташкил топиши тугалланади, уч кишидан иборат партия комитети сайланади.

Тошкент ишчилари митинг ва намойиш ташкил қиладилар. Намойишчилар кўтариб олган байроқларда «Яшасин ишчи депутатлари Совети!», «Яшасин озодлик ва саккиз соатлик иш куни!» деган сўзлар ёзилган эди.

7 МАРТ — Социал-демократларнинг Тошкент группаси «Правда» партия газетасининг туғилишини табриклаб, баёнот эълон қилади.

Эски шаҳарда маҳаллий знёлилар ташаббуси билан қуйи комитет ташкил этилади. У февраль революциясининг аҳамиятини аҳолига тушунтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

8 МАРТ — Ўқитувчилар, врачлар, ҳукумат муассасалари хизматчиларининг касаба союзлари тузилади.

10 МАРТ — Шайхантоҳур майдонида чоризмнинг ағдарилиши муносабати билан маҳаллий аҳоли вакилларининг кўп минг кишилик катта митинги бўлади.

16 МАРТ — Фотографлар касаба союзларининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб, унда союз уставини ишлаб чиқишга киришишга қарор қилинади.

18 МАРТ — Пойафзал ишлаб чиқарувчи ишчиларнинг касаба союзи тузилади.

21 МАРТ — Ишчи депутатлари Москва Советининг вакили доимий алоқа қилиб туриш ва ишда Ишчи депутатлар Тошкент Советига ёрдам бериш учун Тошкентга келади.

22 МАРТ — Тошкент уезди бошлиғи Тошкент суд палатаси прокурорига берган рапортида Тошкент уезди маҳаллий аҳолиси ўртасида революцион кайфият пайдо бўлганлигини хабар қилади.

28 МАРТ — Солдат депутатлари Совети мажлисида Солдат депутатлари Советининг Ишчи депутатлари Совети билан қўшилганлиги, Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети ташкил топганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

30 МАРТ — Ишчи ва солдат депутатлари мажлисида жамоат ташкилотлари вакиллари ва маҳаллий аҳолидан депутатлар ҳозир бўлган бир вазиятда ишчиларнинг ташйиқи билан генерал губернатор ва қўшинлар қўмондони Куропаткин, унинг ёрдамчиси Ерофеев ва округ штаби бошлиғи Сиверсларни вазифасидан четлаштириш ва уй қамоғига маҳкум этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

31 МАРТ — Ишчи ва солдат депутатлари Советининг қарорига мувофиқ, Туркистон ўлкасининг собиқ генерал-губернатори Куропаткин, унинг ёрдамчиси Ерофеев ва округ штаби бошлиғи Сиверс уй қамоғига маҳкум этиладилар.

МАРТ — Почта-телеграф хизматчилари ўлка касаба союзини ташкил этадилар. Унинг вазифаси ходимларнинг касб манфаатларини ҳимоя этиш ҳамда «контрреволюцияни вужудга келтириш ва эски тузумга қайтишга уринишларга қаршилик кўрсатиш»дан иборат эди.

Эски шаҳарда реакцион буржуа-миллатчилик партиясининг «Шўрои Ислом» ташкилоти тузилади. У ўз атрофига савдо-саноат миллий буржуазияси ва бойларни бирлаштиради.

Бинокорлар ва кўнчи ишчилар касаба союзлари ташкил қилинади.

ПСКОВ АРХИВИДАГИ ХУЖЖАТ

Россиянинг кўҳна Псков шаҳри кўпгина тарихий воқеалар гувоҳидир. Бу ерда рўй берган айрим воқеалар бутун Россия сиёсий ҳаётида чуқур из қолдирган.

1917 йил февралнинг охирида энг сўнгги рус подшоси Николай II тушган поезд Петроград томон борарди. Революцион кайфиятдаги темирйўлчилар йўлда тўхтатиб, поездни бошқа маршрутга жўнатиб юборадилар. 1917 йил 1 март кечқурун подшо поезди Псковга келади. Эртасига эрталаб Шимолий фронтдаги рус армияси қўмондони Рузский подшо ҳузурига келиб, Петроградда вазият ниҳоятда кескинлашганини, революцион портлаш муқаррарлигини айтади. Бинобарин, у подшога олтита телеграмма ва буюк князь Николай Николаевичнинг бир баёнотини топширади. Бу шошилинч хабарларда Николай II нинг яқинлари ундан хавфли воқеаларнинг олдини олиш ва мероскўр Алексей фойдасига тахтдан воз кечишни илтиноб сўраган эдилар.

Худди шу куни Давлат думаси вақтли комитетининг делегатлари Гучков ва Шульгин фавқулодда ваколат билан Псковга келаётганлари тўғрисида хабар олинади. Улар етиб келишлари биланоқ, шоҳ ҳузурига таклиф этиладилар. Гучков Петроград бутунлай халқ қўлида бўлиб, фронтдан келган солдатларнинг революцион ҳаракатини бостиришга уринишлари ҳеч қандай натижа бермаётганлигини айтди. Нажот йўли битта: подшо князь Михаилни регент (нақтинча подшо) қилиб, тахтни ўғли Алексейга бўшатиб бериши керак. Гучков ва Шульгин тахтдан воз кечиш тўғрисида ўзлари тузган текстни шу заҳотиёқ подшога бердилар. 1917 йил 2 март кечқурун соат 12 да Николай II ўзининг энг сўнгги ёрлигига имзо чекади. Эртасига Шимолий фронт штабида шу ҳужжатнинг дубликати (иккинчи нусҳаси) имзоланади.

Псков давлат архивида ўша тарихий ҳужжатнинг кўчирма нусҳаси ҳамон сақланиб турибди. У тантанавор руҳда ёзилган бўлиб, халқни тахтга бўлган садоқатни сақлашга, ватан олдидаги бурчни муқаддасона бажаришга чақирган.

Аммо подшо тахтининг куни битган эди, уни ҳеч қандай чақириқлар, тилёғлама гаплар сақлаб қололмас эди. Халқ ўз тақдирини ва жафокаш Россия тақдирини ўзи ҳал этишга қарор қилган эди.

1917 йил 3 март эрталабданоқ Псков кўчалари жуда жонланиб кетади. Ишчи ва солдатларнинг намойиши стихияли тарзда бошланиб кетади. Улар қизил байроқлар кўтариб олишган, плакатларга эса «Яшасин озодлик!», «Озодлик курашчиларига абадий шон-шарафлар!», «Ҳамма революция байроғи остига!» деган ёзишн сўзлар ёзилган эди. Намойишчилар жандарм ва полициячиларни қуролсизлантирадилар.

Подшонинг тахтдан воз кечиши февраль буржуа-демократик революциясининг кульминацион нуқтаси бўлди. Бу хабар бутун Россияга тез тарқалди. Кенг оммаининг сиёсий активлигини янада оширнб юборди. Ишчилар билан бирга миллионлаб деҳқонлар, солдат ва ҳунармандлар ҳаракатга келди. Улар янги подшонинг тахтга чиқишига йўл қўймадилар. Шундай қилиб, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, Романовлар монархиясининг қон ва балчиққа беланган аравасн дарҳол ва бир умрга умбалоқ ошди.

Е. АЛЕКСАНДРОВ,
Псков шаҳри.

АСАЛАРИЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Асал — минг бир дардга даво. Бу — ота-боболаримиз сўзи. Дарҳақиқат, асал киши организми учун нечоғли фойдали эканлигини халқ медицинаси ҳам, ҳозирги замон медицина фани ҳам тўла тасдиқлайди. Шундай экан, эл дастурхонига кўплаб асал етказиб бериш вазифаси сабзавот, мева-чева, гўшт, сут, тухум етказиб бериш вазифасидан қолишмайди.

Хўш, бизнинг областимизда асал етиштириш қандай аҳволда? Очиғини айтиш керакки, бу иш халқимизнинг ўсиб бораётган талабларига қониқарли жавоб бера олмаяпти. Асал етиштириш билан шуғулланаётган хўжаликлар берилган топшириқларни бажаролмай келаяптилар. Масалан, ўтган йилни оладиган бўлсак, колхоз-совхозлар асаларичилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан берилган планларини бажара олмадилар.

Область бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир асалари уясидан 14,7 килограммдан асал олинди. Бу жуда паст кўрсаткич. Кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари асаларичиликни ривожлантиришга эътибор бермаётганликлари оқибатида эришилаётган кўрсаткичлар шундай қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Асаларичилик хўжаликлари керакли инвентарлар билан таъминланмаяпти, уялар етишмайди, транспорт масаласи чатоқ. Бунинг устига асал берадиган гулли ўсимликларнинг жойини ахтариб топишга ҳам аҳамият берилмади. Натижада асалари хўжаликлари бундай жойларга кечикиб кўчирилди. Иш қаттиқ назорат остида бажарилмади. Асаларичиларнинг кучли оилаларини етиштириш иши ҳам эътибордан четда қолиб кетди.

Асаларичиликка кам эътибор берилаётган хўжаликларни кўплаб мисолга келтиришимиз мумкин. Масалан, Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозини олиб кўрайлик. Бу хўжалик 245 та асалари уясига эга. Бултур бутун мавсум давомида ҳар бир уядан атиги 10 килограммдан асал олинди. Бу — область бўйича эришилган ўртача кўрсаткичдан ҳам анча кам. Ваҳоланки, бу колхоз тоғ ёнбағрига жойлашган бўлиб, у ерда асал берувчи ўсимликлар истаганча бор. Ҳаваскор асаларичилар худди шу жойларнинг ўзида ҳар бир уядан 50—60 килограммдан асал олмоқдалар. Ахир мўл ҳосил олиш мумкин экан-ку. Ҳамма гап колхоз раҳбарларининг бу соҳани ривожлантиришга дурустроқ бош қотирмаётганликларидадир.

Оржоникидзе районидаги Жданов номли колхозда эса 256 асалари уясининг ҳар биридан бор-йўғи 3 килограммдан асал олинди холос. Буни қандай баҳолаш мумкин?!

Областимизда асаларидан мўл ҳосил олаётган илғор хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг асаларичиси ўртоқ В. Бородин ҳар бир уядан ўртача 25 килограммдан ҳосил олди. Уяларининг ҳар бирида озуқа учун қолдирилган 15 килограммдан асал бу ҳисобга кирмайди. Янгийўлдаги Жданов номли колхоз асаларичилари эса ҳар бир уядан 36 килограммдан ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

Лекин бу ҳали асаларичилар учун охирги чегара эмас. Ҳар бир хўжаликда асал ҳосилини камида 50—60 килограммга етказиш учун ҳамма имкониятлар бор. Бу соҳага эътибор кучайтирилсагина ана шундай қувончли кўрсаткичларга эришилиши мумкин.

Баҳор келганига ҳам анчамунча вақт бўлиб қолди. Ўсимликлар, дарахтлар қийғос гуллайдиган вақт узоқ эмас. Шунинг учун асаларичиларимиз ҳозир янги мавсумга ҳар томонлама пухта тараддуд кўриб туришлари зарур. Уларнинг ҳозирги пухта ишлари юбилей йилидаги катта муваффақиятларнинг гарови бўлаолади.

С. ҚИРҒИЗБОЕВ,
область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг асаларичилик бўйича старший зоотехниги.

Э. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти асаларичилик бўлимининг аспиранти.

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАКЛАР

СУТ КЎПАЙМОҚДА

Партиямиз XXIII съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашаётган Оққўрғон районидаги Ленин номли, Свердлов номли, «Заря Коммунизма» колхозларида чорвачиликка эътибор кучайди. Шу сабабли чорва моллар туёғи кўпайиб, маҳсулдорлиги ортди. Ленин номли колхоз чорвадорлари ўтган йили 350 ўринга 405 тонна сут топшириб, йиллик планни 120 процент қилиб адо этган эдилар.

Чорвадорлар эришилган ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Молбоқар ва сут согувчилар ўртасида юбилей олди социалистик мусобақаси кенг авж олдириб юборилди. Сут согиб олиш кундан-кунга кўпайиб пландан ташқари қўшимча маҳсулот топшириш давом эттирилмоқда. Светлана Загорец, Татьяна Загорец каби сут согувчиларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишлари сабабли хўжаликда сут топшириш квартал плани муваффақиятли бажарилди. Колхозчилар бутун куч ва ғайратларини сарфлаб сут тайёрлаш йиллик планини Улуғ Октябрь байрами кунигача адо этиш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбурият олдилар.

Колхозда мол боқувчи яхшиланиб, 60 ўрнига 65 тонна гўшт топширилди. Йиллик план ошириб бажарилди. Свердлов номли, «Заря Коммунизма» колхози чорвадорларининг иши ҳам мақтовга сазовордир.

Б. ИЎЛДОШЕВ,
Х. АҲМЕДОВ.

БУ ЙИЛ—300 ТОННА

Оржоникидзе районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози чорвадорлари ўтган йили шаҳарликларга 230 ўрнига 250 тонна сут жўнатишган эди. Бу йил бу рақам яна ҳам кўпаяди. Камида 300 тонна сут топширилади.

Юбилей олди вахтасида туриб меҳнат қилаётган Шомидхон Набиева, Мамлакат Нормирзаева, Хадича Умарова каби пешқадам сут согувчилар яхши ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар сут согиб олиш юзасидан берилган йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этишмоқда.

Р. РАЖАБОВ.

ТЕХНИКА ШАРОФАТИ

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзолари чорва моллар қаровини яхши йўлга қўйишган. Фермаларда техникадан моҳирлик билан фойдаланиляпти. Пичан ва дағал хашакларнинг исроф бўлишига йўл қўйилмаяпти.

Бу йил чорвадорлар юз гектар ерга жўхори экишиб, ҳар гектаридан 50 центнердан дон, 350—400 центнердан думбул сўтали кўк поя олишга сўз беришган. Ҳозир чорвадорлар дон экиладиган ерларни текислаб кўкламга тайёрлаб қўймоқдалар.

Х. НОРҚУЛОВ.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

Суратда. Тунис. Бизертадаги ҳукумат биноси. Аджерпресс—ТАСС фотоси.

ХАЛҚЛАР «ВЬЕТНАМДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН!» ДЕМОҚДАЛАР

ПХЕНЬЯН. Халқ Кореясининг шаҳар ва қишлоқларида Вьетнам халқи билан халқаро бирдамлик ҳафталиги муносабати билан митинг ва йиғилишлар ўтказилмоқда.

Пхеньяндаги тўқимачилик комбинатининг ишчилари шу муносабат билан ўтказилган митингда америка ҳукуматидан Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни ва бошқа барча агрессив ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни талаб қилдилар. Тўқимачилар америка агрессорларига қарши кураш олиб бораётган Вьетнам халқига янада активроқ ёрдам кўрсатишга қатъий қарор қилганликларини изҳор қилдилар.

ЖОРЖТАУН. Гвиананинг барча прогрессив, демократик кучлари қаҳрамон Вьетнам халқининг америка агрессорларига қарши кураши билан тўла бирдамдирлар. Халқ прогрессив партиясининг раҳбари Чедди Жаган мамлакатда нишонланаётган «Вьетнам китоблари ҳафталиги» муносабати билан сўзга чиқиб ана шундай деди. Чедди Жаган барча гвиана халқини курашаётган Вьетнамга маънавий ва моддий мадад кўрсатишга чақирди.

ДОРУССАЛОМ. «Бизлар Вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши кураши билан бирдамлик ҳафталиги муносабати билан шуни таъкидлаймизки, Вьетнам халқи олиб бораётган кураш — адолатли курашдир. Шунинг учун Вьетнам халқи ғалаба қилажак»,— дейилади Жанубий Африка Республикаси Африка миллий конгрессининг бу ерда тарқатилган баёнотида. Баёнотда, америкаликлар Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни дарҳол тўхтатсинлар, Вьетнамдан америка қўшинлари олиб чиқиб кетилсин ва америка ҳарбий базалари тугатилсин деб талаб қилинади.

ТОКИО. Вьетнамдаги қирғиннинг олдини тезроқ олиш мақсадида Қўшма Штатлардан Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессияни ва у ерни бомбардимон қилишни дарҳол тўхтатишни талаб қилиш зарур, деди парламентда сўзга чиққан Япония социалистик партиясининг раиси Кодзо Сасаки. У, Япония ҳукумати мана шундай талаб билан АҚШ ҳукуматига мурожаат қилиши керак, деб таклиф қилди.

БАМАКО. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги Мали комитетининг раиси, Жаҳон тинчлик кенгашининг аъзоси Абдулай Соу ҳозирги вақтда жаҳон халқлари Вьетнам халқининг мамлакатни озод қилиш учун олиб бораётган машаққатли курашида у билан ўзларининг бирдам эканликларини изҳор қилмоқдалар, деди. Мали халқи, деди Соу, жаҳондаги барча халқларнинг фикрига қўшилиб, Вьетнам халқининг озодлик ва мамлакат бутунлиги учун олиб бораётган курашини сўзсиз қўллаб-қувватлайди, Вьетнам территориясидан чет эл агрессив қўшинлари олиб чиқиб кетилишини, 1954 йилги Женева битимларига оғишмай амал қилинишини талаб қилади. (ТАСС).

ҲИНДИСТОН ЯНГИ САЙЛАНГАН ПАРЛАМЕНТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

ДЕҲЛИ, 16 март. (ТАСС). Бу ерда Ҳиндистон парламенти халқ палатаси янги составининг биринчи сессияси очилди. Бугунги мажлисда депутатлар қасамёд қиладилар.

ДЕПУТАТ ЎЛДИРИЛДИ

ДЕҲЛИ, 16 март. (ТАСС). Уттар Прадеш штати қонун чиқарувчи мажлисининг Ҳиндистон миллий конгресси партиясидан сайланган депутати Дарбари Лаъл бугун кечаси поездда номаълум шахс томонидан ўлдирилган. У, яқинда сайланган штат қонун чиқарувчи мажлисининг биринчи сессиясида қатнашмоқ учун Оллоҳободдан Лакнауга бораётган эди.

Уттар Прадеш губернатори қонун чиқарувчи мажлисда мутлақ кўпчилик ўрин ололмаган Ҳиндистон миллий конгресси партияси вакилларига штат ҳукумати тузишни топширганидан сўнг Уттар-Прадешда шу қарорга қарши кўпдан-кўп норозилик митинглари ва намойишлар бўлмоқда.

ЯНГИ ОРЛЕАН СУДИ МАЖЛИСИДА

ЯНГИ ОРЛЕАН. 14 март. Янги Орлеан судининг кундузги мажлисида Клей Шоу иши юзасидан дастлабки тинглашнинг давом эттирилиши округ прокурори Гаррисоннинг президент Ж. Кеннедини ўлдириш мақсадида фитна тайёрланган деган фикри ҳозирча бирдан-бир гувоҳ — страхование агенти Перри Руссо сўзларига асосланганлигини тасдиқлади. Суд мажлиси, фитнада қатнашганлиги учун К. Шоу устидан суд бошлаш учун Гаррисонда етарли далиллар борлиги ёки йўқлигини аниқлаши лозим эди.

Руссонинг айтишича, Клей Шоу ҳам, Клем Бертран ҳам—бир кишининг ўзи, Освальд, Бертран ва Ферри 1963 йил сентябрида Девид Ферриннинг Янги Орлеандаги уйида учрашганларида Руссонинг олдида Кеннедини ўлдириш режаларини муҳокама қилганлар.

Руссо сентябрдаги шу «танишувдан» олдин президент Кеннеди Янги Орлеанда сўзлаётган вақтда ҳам Бертранни кўрганман, деб айтди.

Гаррисоннинг фитначиларнинг сентябрдаги учрашувига доир саволларига жавобан Руссо учрашув қатнашчилари бир-бирлари билан айтишиб қолганликларини билдирди. Улар суиқасддан сўнг АҚШдан қандай қилиб ва қаёққа гойиб бўлиш тўғрисида бахслашганлар.

Руссо сўнгра Ферри уйида Освальдни биринчи марта учратганида у затвори ва оптик мўлжали бўлган милтиқни артиб турган.

Шу пайт прокурор Гаррисон ёрдамчилари олиб келган қоғоз пакетдан затворли ва оптик мўлжалли милтиқни чиқариб, Руссога кўрсатди ва бу ўша милтиқ 1963 йил сентябрида Освальднинг ҳўлида сиз кўрган милтиққа ўхшайдими, деб сўради. Гувоҳ ҳа деб жавоб қилдию, лекин Освальд милтиғидаги оптик мўлжал чоғроқ эди, деди.

(ТАСС).

ПЕНТАГОН ДАҲШАТЛИ ПЛАН ТУЗМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 16 март. (ТАСС). «Нью-Йорк дейли ньюс» газетаси мухбирининг Сайгондан хабар беришича, «Қўшма Штатлар тайёрлаётган ҳаво кампанияси Шимолий Вьетнамнинг жанубий қисмини батамом вайрон қилади».

Мухбирнинг айтишича, шу операция «метеорология шароитлари анча қулай бўладиган келаси ойда бошланмоғи керак» Яхши хабардор доираларда айтишларига кўра, «ёзга бориб мамлакатнинг шу районини Ой юзидан фарқ қилиш қийин бўлиб қолади».

Америка авиацияси ҳамма зарбаларини Ханой билан Хайфондан демилитаризация қилинган зонагача етиб борадиган районга беради, деб ёзади мухбир.

ТАРИХНИНГ ЁРҚИН САҲИФАСИ

1871 йил 18 март куни жаҳон пролетариатининг озодлик кураши тарихига ўчмас ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Шу куни Парижнинг халқ оммаси буржуазия ҳокимиятини агдариб ташлади. Пролетариатнинг жаҳонда биринчи бўлган бу революцияси омма куч-ғайрати ва ижодий ташаббусини мисли кўрилмаган даражада авж олдириб юборди. Коммунарлар очиқ гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси шароитида янги жамият ҳамда янги давлат қурилишининг амалий вазифаларини ҳал этдилар. Париж пролетариати буржуа ҳокимиятининг энг муҳим органларини емириб, ўз ҳукумати Коммунани тузди.

Пролетариатнинг буюк доҳилари К. Маркс ва Ф. Энгельс Коммуна фаолиятида алоҳида роль ўйнадилар. Коммунарлар бу икки буюк сиймо билан бевосита алоқада бўлдилар.

Париж Коммунасининг давлат аппарати Париж халқи бевосита сайлаб қўйиши асосида ташкил топди. Париж пролетариати Коммунадаги депутатлар ва мансабдор шахслар фаолиятини халқ оммаси томонидан назорат қилиб туришни ўрнатди. Эски буржуазия армияси ўрнига халқ армиясини тузди. Асрлар бўйи давлат аппаратининг эксплуатация қуроли бўлиб келган жандарма ўзининг барча функцияларидан маҳрум қилинди ва Коммунанинг жавобгар органига айлантирилди. Париж Коммунаси эски суд аппаратини ҳам тартомири билан емириб ташлади, Шу тариқа Коммуна пролетар революциясини ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш билан бирга, эксплуатацияга асосланган давлат машинасини синдириб ташлаш кераклигини исботлади.

Париж Коммунаси ўзининг қисқа — 71 кунлик фаолиятида социалистик қонунчилик системасини амалга оширмай, декретлар чиқариш билан чегараланиб қолди. Парижни ташлаб қочиб кетган Версал ҳукуматининг аъзоларини қамоққа олиш ва уларнинг мол-мулкларини мусодара қилиш ҳам Коммунанинг декретида кўрсатилган эди, лекин Коммуна эксплуатацияни емиришга, мамлакатдаги ҳамма хусусий мулкларни тортиб олишга қаратилган қонунлар чиқара олмади. Коммунанинг бундай муҳим тадбирларни қўллайолмаслигига вақтнинг қисқалиги ва коммунарларда ягона пролетар ғояси йўқлиги сабаб бўлган.

ПАРИЖ КОММУНАСИНИНГ 96 ЙИЛЛИГИ

Париж Коммунаси халқ маорифи соҳасида катта ишлар қилди. 1871 йил 2 апрелдаги декрет билан диний, черковни давлатдан ажратди. Черков давлат ишларига аралашмайдиган бўлди. Черковнинг ҳамма мулклари давлатники деб эълон қилинди. Шу декретга асосан мактаблар ҳам черковдан ажратилди. 1871 йили 4 апрель декретига биноан, ишчи кучларини ёлловчи хусусий идоралар тарқатиб юборилди. Уларнинг ўрнига ишчиларни ишга жойлаш билан шуғулланувчи меҳнат биржаси тузилди.

Париж Коммунаси қишлик тарихида биринчи тинчликсевар давлат бўлди. Коммунарлар жаҳон дипломатияси тарихида биринчи марта янги снёсатни—барча давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва халқларнинг дўстлиги ғоясини илгари сурдилар. Коммунарларнинг тинчлик учун кураш байроғи ҳозирги кунда бутун инсониятнинг байроғига айланган.

Коммуна 71 кун яшаб, мағлубиятга учради. Реакциянинг авж олиши, француз пролетариатининг пролетар революциясини амалга оширишга етарли тайёр эмаслиги, ва Франция ишчиларини революцион ғоя билан қуроллантирувчи партиянинг йўқлиги Париж Коммунаси мағлубиятининг асосий сабабларидан бўлди.

Замондошлар ва Коммунанинг ғоявий иштирокчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс Париж ишчилари қаҳрамонлигининг тарихий моҳиятини очиб бердилар. Маркс Коммунада жаҳонда биринчи пролетариат диктатураси тажрибасини кўрди. В. И. Ленин Париж Коммунаси тажрибаси сабоқларини чуқур эътибор билан ўрганди ва бу тажрибадан Октябрь революциясида фойдаланди. Коммуна Европада социалистик ҳаракатни қўзғатиб юборди, гражданлар урушининг кучини кўрсатди. деб ёзган эди В. И. Ленин, Коммуна Европа пролетариатини социалистик революция вазифаларини конкрет тарзда қўйишга ўргатди.

Бутун прогрессив инсоният Коммуна вориси — Улуғ Октябрнинг эллик йиллигига тайёргарлик кўраётган ҳозирги пайтда жаҳон ишчилар синфи ва унинг марксчи-ленинчи партиялари коммунарларнинг шонли жанговар традицияларини янги тарихий шароитларда ривожлантирмоқдалар.

О. МУҲАММАДЖОНОВ.

ДАРГУМОН ВАЪДАЛАР

ЛОНДОН, 16 март. (ТАСС). Англиянинг Рейндаги армиясини боқиш харажатларини қоплаш учун ГФР ҳукумати 40 миллион фунт стерлинг ажратишга рози бўлди. Бугунги инглиз матбуоти Боннинг мана шу қарорини шарҳлар экан, Ғарбий Германия тақлиф қилган пул кутилаётганидан анча кам бўлиб чиққанлигини таъкидламоқда.

Бугун «Гардиан» газетасининг ёзишича, Англия 76 миллион фунт стерлинг олишни мўлжаллаган, лекин Англиянинг ҳатто тақлиф этилган мана шу пулни олиши ҳам даргумон, деб умидсизланиб ёзади газета.

ЭСКАЛАЦИЯНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Америка империалистлари Вьетнамдаги босқинчилик урушини кенгайтириб, Ҳинд-Хитой ва бутун Осиёда ғоят хавфли вазиятни юзага келтирдилар. Жонсон ҳукумати миллиондан ортиқ нучга эга бўлган армияни Вьетнамга қарши қўйди. Ҳозирнинг ўзида бу ерда 415 минг кишилик америка қўшини тўпланган. Ҳар ҳафтада улар сони яна 2—3 минг кишига нўпайтирилмоқда.

Американинг ҳозирги замон ҳарбий воситаларига ва халқаро ҳуқуқ томонидан манъ этилган напалм, фосфор, магний бомбалари, заҳарли модда ва газлар сингари одамларни қириш-нинг энг даҳшатли қуроллари билан жиҳозланган қўшинлари ҳамда уларнинг шериклари ўн минглаб жазо операцияларини ўтказяптилар. «Б-52» самолётлари билан денгиз қирғоғидан то Лаос ва Камбоджа чегараларигача, Меконг дельтасидан шимолий районларгача чўзилган Вьетнам территориясини бомбардимон қиляптилар. Улар уруш олиб боришнинг ҳозирги замон усулларини одамларни қириш-нинг энг ёвойи усуллари билан қўшган ҳолда «тўла қириб юбориш ва вайрон қилиш» сиёсатини тутмоқдалар. Фақат ўтган йилда америка самолётлари Жанубий Вьетнам қишлоқларига 637 минг тонна бомба ташлади. Бу иккинчи жаҳон урушида АҚШ Тинч океан районида ташлаган ўқ-дориднан анча нўпдир.

Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилиш кучайтириляпти. Американинг ҳарбий-ҳаво кучлари бир кеча-кундузда Шимолий Вьетнам ерига 140 самолёт юбориб, уни вайрон қилмоқда. Кейинги икки йил ичида америка босқинчилари юз минглаб оддий кишиларни ўлдирдилар, майиб қилдилар, заҳарли газлар ва қийноқлар ёрдамида ҳалок этдилар. Бир неча минг аҳоли яшайдиган нўпгина посёлка ва қишлоқларни ер юзидан супуриб ташладилар.

Шимолий Вьетнамда мағлубиятга учрашдан қўрқаётган америка ҳарбийлари икки йилдан буён Шимолий Вьетнамга ўз авиация ва флот кучларини бирдан ҳужум қилиб, бу эрксевар мамлакат мустақиллиги ва суверенитетини қўпол равишда бузмоқдалар.

Яқинда ВДР ташқи ишлар министри Нгуен Зуй Чин, агар юртимизни бомбардимон қилиш узил-кесил тўхтатилса, биз АҚШ билан музокаралар олиб боришга тайёрмиз, деб айтди. Лекин шунга қарамай, АҚШ ўжарлик қиляпти. Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти янги йил муносабати билан ҳарбий ҳаракатларни 7 кунга тўхтатишга буйруқ берди. Аммо Америка ва Сайгон ҳукуматлари фақат тўрт кунлик ярашга рози бўлдилар. уни узайтириш ҳақида Шимолий Вьетнам билан музокара олиб боришга тайёрмиз, деб баёнот бердилар. Лекин бу хабар АҚШ ва бошқа империалистик мамлакатларнинг биржаларида шов-шув туғдирди, Токиода эса акциялар курси кейинги уч ярим йил ичида биринчи марта кескин тушиб кетди. Америка армиясининг мах сус буюртмаларини олган корхоналар акцияларининг қиймати ҳам кескин пасайди. Жонсон АҚШ Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилишни яна бошлаб юборди, деб айтганидан сўнггина акция эгалари ўзларига келдилар.

24 февралда америка артиллерияси демилитаризация қилинган зонанинг

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

шимолий қисмини тўпга тутди, самолётлар бомба ёғдирди. 17-параллелни биринчи бор тўпга тутган АҚШ ҳарбийлари Вьетнамга қарши агрессия эскалациясида янги қадам ташладилар. Ленин уларнинг ўзлари бу нарса тўқнашувнинг кучайиши хавфини туғдирмайди, деб оқлашга уриндилар.

Ана шу ҳужумдан сўнг АҚШ ҳарбий қўмондонлиги 7-флотга суверен социалистик Вьетнамнинг сув территориясига бостириб киришга буйруқ берди. Сайгондан келаётган хабарларга кўра, 7-флот кемалари 175 миллиметрли «катта калибрли» артиллерияни ишга солиб, ВДРнинг шимолий қисмидаги қирғоқ бўйи районларни, яъни аҳоли зич жойлашган районларни тўпга тутдилар. ВИА агентлиги хабарига қараганда, бу ҳужум оқибатида Ханоюа ва Нанҳа вилоятларининг қирғоқ бўйи районларида маҳаллий аҳолидан ҳалок бўлган кишилар бор. Рейтер агентлиги мухбири, эса америка қўмондонлигининг янги буйруғи «Шимолий Вьетнамга тазйиқни кучайтириш бўйича уч кун давом этган иккинчи тўлқиндир» деб ёзди.

Кейинги кунларда америка қароқчилари Шимолий Вьетнам дарёларига самолётдан ташланган парашютлар ёрдамида мина қўя бошладилар. Бу миналар дарё тубида ётиб, кемалар ўтган вақтда портлайди. Америка матбуотининг ёзишича, бундай М—36 миналардан иккинчи жаҳон урушида Япония кемаларини портлатишда фойдаланилган. Миналнинг ҳаракати қуйидагича: самолёт кечаси сув устида учиб, унинг ўзаниға бомба шамлидаги минани ташлайди. Мина парашют ёрдамида охиста тушиб сув остига етгач, парашют ундан ажралиб оқиб кетади. 200, 500 ёки 1000 килограммли мина эса дарё тубида ётаверади. Унинг предохранители муайян вақт ўтгач, минадан ажралади ва даҳшатли қурол жанговар ҳолга келади.

Лекин Америка ҳарбийлари қанчалар уринмасин урушнинг боришини ўз фойдаларига буриб юборолмаётирлар. Америка авиациясининг Вьетнамда талафот кўрган самолётлари сони 2 мингдан ошиб кетди, анча камайтирилган америка раҳамларига кўра, ҳар куни Вьетнамда 150 га яқин америкалик ҳалок бўлаяпти, 600-700 америкалик ярадор бўлиб, сафдан чиқаяпти, ўлдирилган ва ярадор бўлган америкаликлар сони эса 50 мингдан ошиб кетди.

Зиддиликда бутун дунёда бўлгани каби АҚШда ҳам Вьетнамдаги жинояткорона урушга нисбатан норозилик кучайиб боряпти. Ленин, АҚШ ҳарбийлари ўз ёвузликларини давом эттиряптилар, Вьетнам Демократик Республикасининг тинчликка қаратилган ташаббусини қабул қилмай, урушни кенгайтиряптилар.

Вашингтондаги айрим корчалонлар пеннилик бузғунчиларнинг ҳатти-ҳаракатларидан фойдаланмоқчи бўляптилар. Пекинлик раҳбарлар ўз авантюристик ички ва ташқи сиёсатлари билан Осиёдаги сиёсий вазиятни мураккаблаштириб, Вьетнам халқининг курашига катта зарар етказмоқдалар. Жаҳон матбуоти яқдиллик билан ёзганидек, Пекин сиёсати АҚШ Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилишни яна қайта бошлаб юборишини енгиллаштирди.

Лекин Вьетнам халқининг мардонавор руҳи ва курашини ҳеч нарса сусайтира олмайди, бутун жаҳондаги соф виждонли кишилар улар билан бирдам, Вьетнам ўз курашида ғалаба қозонишн муқаррар.

Евг. БЛОК.



АҚШ. Пўлатдан тайёрланган мана бу улкан иншоотда (баландлиги 36 метр ва диаметри 21 метр) атом электростанциясининг юраги—650 тоннали реактор жойлашади. Реактор Нью-Йорк штатининг Онтарио кўли соҳилида жойлашган. Реактор қурилиши 1968 йил охирига тугалланади.

АФП—ТАСС фотоси.

Я Н Г И

... МОРОЖЕНОЕ

ТОШКЕНТ хлодокомбинати яна уч хил мороженое ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўймоқда. Бу маҳсулотлар жуда ҳам хушбўй ва мазалидир.

Цитрусли мороженоедан апельсин ва лимон ҳиди келиб туради. Иккинчи хили эса яна бир алла қандай ўсимликнинг хушбўй ҳидини беради. Янги хил мороженоелар кўк, қизил ва сариқ рангларда тайёрланиб сотишга чиқарилади.

... ҚУПРИК

Йўл равон бўлганига не етсин. Аввалларн Паркент-Чанги-Хисорак оралиғини боғловчи кўприк омонат бўлиб, машиналар ўтишга анча қийналар, бир томондан келгани иккинчи томондан келганини ўтказиб юборишга мажбур бўларди. Янги кўприк ишга тушгач, бу қийинчиликка чек қўйилди.

... МАРШРУТ

Илгарилари 13-маршрутдаги трамвайлар ТошМИ—Октябрь революцияси клуби оралиғида қатнарди. Яқинда бу маршрут янада кенгайтирилди. Эндиликда бу маршрутдаги трамвайлар ТошМИдан Вагон ремонти заводи (Болгарские огороди массиви)-га бормоқда.

Марказий Универсал магазини билан қурилиш массиви оралиғида эса, янги 15-маршрутли трамвайлар қатнайбошлади.

И. РУСТАМОВ.

ЎЛКАМИЗДА БАҲОР

Қуёш жилмайиб боқиб, диёримиз бўйлаб дилларга ором бахш этувчи баҳор нашидаси кезмоқда. Бодом ва ўрик гуллари оппоқ очилиб навдаларга садафдан маржон тақди. Сиз суратларда (чапда) бодом гулларини кўриб турибсиз. Ўнгда эса, Сергелидаги 24-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси ўртоқ Нина Гряколова қизи Валя билан ҳовлига кўчат ўтқазишмоқда.

М. Тўйчиев ва А. Абалян фотолари.

ҲАЁТ ЛАВҲАЛАРИ ПОЭМАДА

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

ХАЛҚИМИЗ варшунос. Янги ёзилган шеър, достон матбуотда кўринган куниёқ ўқувчининг мезонига тушади. Унинг фазилатлари, нуқсонлари қизғин муҳокамага сабаб бўлади. Кейинги бир неча йил давомида достонларимизнинг даврала рида бекиёс даражада ўсди. Китобхонларга манзур бўлгудек кўпгина достонларга эга бўлдик. Адабиётшунослигимизда ҳам уларга бағишланган қатор ишлар пайдо бўлди. Ўлмас Муҳиддиновнинг яқинда Ўзбекистон «Билим» жамияти томонидан нашр этилган «Поэма ва ҳаёт»* китобчаси шулар жумласидандир. Брошюрада кейинги ўн йил давомида яратилган ўзбек совет достонлари тўғрисида сўз боради.

Кейинги йиллар достончилигимиз тараққиётида салмоқли ўрин тутади. Шунга кўра, биргина брошюрада ҳамма достонларимиз тўғрисида атрофлича фикр юритиш имконияти йўқ. «Поэма ва ҳаёт» китобчасида автор ҳозирги достонлар тўғрисидаги дастлабки ўз кузатишлари билан ўртоқлашади. Китобчада достонлар тематика нуқтаи назаридан туркумларга бўлиб ўрганилади ва ҳар бир туркум мавзу характерига мос ҳолда сарлавҳалар билан аталади. Бу ўз навбатида достонлар тўғрисида изчил фикр юритиш, адабиётимиз олдида турган катта вазифалардан келиб чиқиб, уларни объектив баҳолаш имконини беради.

«Поэма ва ҳаёт» китоби ўқувчи диққатини биринчи навбатда у ёки бу достоннинг етакчи мотивларига қаратади. Китобча муқаддимадан кейин адиб Ойбекнинг «Даврим жароҳати» достони таҳлили билан бошланади. «Даврим жароҳати», шубҳасиз, кейинги йилларда яратилган достонларимиз орасида муҳим ўрин тутади. Сюжети икки қарама-қарши куч — уруш ва тинчлик, ҳаёт ва ёвузлик, севинч ва қайғу, ўтмиш ва келажак ўртасидаги кураш асосига қурилган бу достонда Хиросима фожиасининг оқибатлари жонли характерлар ва бўёқдор эпизодларда маҳорат билан тасвирланади. Назарматнинг «Юракдаги ўқ» достонида ҳам жангчи Деҳқон ва Абдураҳмон образлари воситасида «Даврим жароҳати» достонига ҳамоҳанг муҳим масала илгари сурилади. Янги уруш очиш ниятида юрган социал кучлар қаттиқ қораланади. Китобча автори ана шу икки поэтик асарнинг ўткир публицистик руҳини, улардаги кучли сиёсий пафосни тўғри баҳолай билган.

Брошюранинг «Тарих ва тақдирлар ойнаси» бобида Улуғ Ватан уруши йилларида совет кишиларининг фронт ва фронт орқасида олиб борган курашлари мавзуида яратилган достонлар тўғрисида сўз боради. Автор Саида Зунунованинг «Сурат билан суҳбат», Эркин Воҳидовнинг «Нидо», Жуманиёз Жабборовнинг «Саҳро саноми», Ҳусниддин Шариповнинг «Боғ кўча болалари» каби достонлари ғоявий-бадиий хусусиятлари ва эстетик-тарбиявий аҳамияти тўғрисида фикр юритади. Китобчада қайси бир достон тўғрисида гап бормасин уни ўқувчига таништиришнинг қулай усули қидирилади. Юсуф Шомансурнинг «Қабатлар қўшиғи» ва бошқа бир қатор достонларнинг ютуқларини ҳам, заиф томонларини ҳам характерлаб беради. Лекин автор айрим достонлар тўғрисида саёз гапларни ҳам айтади. У Саида Зунунованинг «Сурат билан суҳбат» достони тўғрисида фикр баён қилганда асарни ўринсиз равишда А. С. Пушкиннинг «Мис чавандоз»и билан ҳажм жиҳатидан таққослайди.

Китобчада Эркин Воҳидовнинг «Палаткада ёзилган достон» ва Султон Акбарийнинг қатор манзур достонлари тўғрисида ҳам бир мунча муфассал сўзланади. Бу асарларнинг фазилатлари тўғри қайд қилинади. Мирмуҳсиннинг «Широқ» достони тарихий мавзуда ёзилган. «Поэма ва ҳаёт» брошюрасида асар қаҳрамони Широқнинг прототипи номи билан боғланган тарихий воқеалар эслатилмаган, автор Мирмуҳсиннинг асарда ўтмиш аждодларимиз ҳаёти, урф-одатига, қаҳрамонлар ҳаётига монанд характерли деталлар, ёрқин эпизодлар топганлигини тўғри таъкидлаб ўтади. Шуни назарда тутиш керакки, чет эл босқинчиларига қарши курашда фидойи бўлган Широқнинг қаҳрамонлиги ўз давридаёқ тилларда достон бўлган. Эрамиздан илгариги II асрда яшаган юнон тарихчиси Полиэннинг «Ҳарбий ҳийлалар» асарида «Широқ» афсонасининг баёни берилади. Мирмуҳсиннинг асарига ана шу маълумот асос қилиб олинган. Шу жиҳатдан достон таҳлилида қадимги адабиётимиз анъаналари масаласи алоҳида диққат талаб қилади.

«Поэма ва ҳаёт» китобчасининг «Эрк ва бахт-саодат курашчилари» бобида В. И. Ленин образи билан боғланган асарлар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар баён этилади. Бу мавзуда ёзувчиларимиз ҳамон қарздор бўлиб келмоқдалар. Тўғри, кейинги йилларда Ғафур Ғулом, Миртемир каби шоирларимизнинг бақувват шеърлари қаторига ёш қаламкашларимизнинг ҳам бир мунча манзур бўлгудек асарлари келиб қўшилди. Эркин Воҳидовнинг «Буюк ҳаёт тонги» достонида В. И. Ленин ҳаётидан айрим лавҳалар, ёрқин картиналар чизилган. Улуғ доҳий тоғларининг ҳаётга сингиб, катта инқилобий кучларни уйғотишдаги аҳамиятини тасвирлаш — «Гирдоб» достонининг асосини ташкил қилади. «Поэма ва ҳаёт» китобчасида бу асарларга етарли эътибор қилинган.

Инсоннинг қадр-қиймати бекиёс юксакликка кўтарилган бизнинг даримизда айрим ёшларимизнинг ўткинчи расм-русумларга, одатларга кўр-кўрона тақлид қилишлари, одоб, ахлоқ нормаларидан ташқари хатти-ҳаракатлари ҳақни равишда қалам соҳибларининг зарбасига учрамоқда. Муаллиф шу мавзуда ёзилган Мамарасул Бобоевнинг «Она қалби», Султон Акбарийнинг «Тавба», Юсуф Шомансурнинг «Қонсиз фожиа» асарларига диққат қилиб, уларнинг эскилик сарқитларига қарши курашдаги аҳамиятини таъкидлайди. Афсуски, «Поэма ва ҳаёт» китобчасида бу достонлар назарий жиҳатдан кенг таҳлил этилмайди. Шунга қарамай, китобчада Ўлмас Муҳиддинов достончилигимизда қўлга киритилган муваффақиятларимизни ҳозирги даврда ўзбек совет адабиёти олдида турган вазифалар асносида тадқиқ этишга киришган. Унинг бу йўлдаги изланиши диққатга сазовордир.

Содир ЭРКИНОВ,
филология фанлари кандидати.

*) У. Муҳиддинов. «Поэма ва ҳаёт». Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти. Редактор Неъмат Тошпўлат. Тошкент, 1966 йил.

ОКТЯБРЬ ТЕНГДОШИ

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Игорь Михайловични тилга олишингиз билан кўз ўнгингизда доим кулиб турадиган, юмшоқ қалбли, ёшларга ғамхўр, ўз ишининг устаси бўлган одам гавдаланади.

Кишилар юрагидан жой олиш, барчанинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Игорь Михайлович энг аввало меҳнатсеварлиги, техника янгиликларига бўлган ихлоси, ижодий изланиши севиши туфайли ана шундай обрўга эришди. Алоқа электромеханиги деган касбнинг соҳиби бўлиш узоқ йиллар самарасидир...

1947 йилда Улуғ Ватан урушидан қайтган ёш Игорь тўппа-тўғри Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бирлашган босмахонасига ишга келди. Бунинг боиси бор эди. Бирлашган босмахонада бир неча йиллардан буён унинг отаси Михаил Андреевич бош бухгалтер бўлиб ишлар эди.

— Ўғлим, фронтдан омон-эсон қайтдинг, ўзинг ишласам деб турибсан, маслаҳатим бирлашган босмахонага кирсанг, у ер оиламиз учун қадрдон корхона. Менинг ёшим анча ерга бориб қолди, пенсияга чиқсам, номимиз ўчмас эди, — деди ота кунларнинг бирида ўғлига. Мўминқобил Игорь отасининг сўзига хўп дея қолди. Мана, йигирма йилдирки у отаси ўттиз беш йил хизмат қилган корхонада меҳнат қилиб келмоқда. Ана шу йиллар давомида алоқа электромеханиги қатор янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилди, алоқа ишларини автоматлаштиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Телефон аппаратининг қулоғини бурайсиз. Жавоб бермайди. Трубкани қўйиб туриб, яна бурайсиз. Керакли жой билан аранг гаплашасиз. Узоқроқ жойлар билан алоқа қилиш, бошқа шаҳарлар билан сўзлашиш мушкул бир иш эди. Игорь Михайлович ишни «ЦБ-100» маркали қўл коммутаторлари ўрнатишдан бошлаган эди. Бу аппаратларнинг ўрнатилиши редакциялар ишига бироз ёрдам берса ҳам, барча қулайликларни муҳайё қила олмас эди. Янги автомат телефон станциялар чиқиши биланоқ, Игорь Михайлович тезда бирлашган босмахонада уларни ўрнатишга шошилди. Ҳозир бепоён Ватанимизнинг, жонажон республикамизнинг ҳар қандай шаҳари, қишлоғи билан алоқа қилиш — телефон орқали сўзлашиш мумкин. Редакция биносида ягона системада ишловчи телефон тармоқларини вужудга келтиришда Игорь Михайловичнинг катта ҳиссаси бор.

Ўртоқ И. М. Тулузаков раҳбарлигида ва бевосита иштирокида амалга оширилган бундай яхши ишлар кўп...

Илгари бирлашган босмахона биносида электр соатларни бошқариш станцияси йўқ эди. Ҳозир бундай станция мавжуд бўлиб, барча хоналарда электр соатлари ишлаб турибди. Редакция ходимлари ҳорижий мамлакатларда, Иттифоқимизда бўлаётган сўнгги воқеалардан ҳар зумда хабардор бўлиб туриши керак. Акс ҳолда у янгиликлардан бехабар қолиши, замон билан баравар қадам ташлайолмаслиги мумкин. Бу вазифаларни радио бажаради. Буни яхши тушунган Игорь Михайлович ва унинг шериклари бир неча радиоузелларни ишга туширдилар. Ҳозир хоҳлаган пайтингизда радио қулоғини бурашингиз, хоҳласангиз куй, қўшиқ, хоҳласангиз турли хил янгиликлар тинглашингиз мумкин. Бу ҳам Игорь Михайловичнинг хизмати.

— Редакциялар учун телетайп аппаратлари ўрнатиш ҳақида гап чиқиб қолди, — деб ҳикоя қилади босмахона бош инженери ўртоқ Б. Қамбаров. — Ана ўшанда Игорь Михайловичнинг кўп фойдаси тегди. Телетайп машиналари редакциялар ишини жуда осонлаштирди. Энди ТАСС, ЎзТАГ хабарлари кутиб ўтирилмасдан тўғридан-тўғри телетайп машиналаридан олиб, теришга туширилаверади. Аппаратларнинг тўхтовсиз ишлаб туриши шу соҳанинг устаси ўртоқ Тулузаковга боғлиқ.

Ҳа, фақат телетайп аппаратларигина эмас, автомат телефон станцияларининг, радиоузелларнинг, электр соат станцияларининг, киноустановкаларининг ҳам яхши ишлаши Игорь Михайлович ва у раҳбарлик қилаётган коллективнинг моҳирлигига, тадбиркорлигига боғлиқдир. Ҳатто янги полиграфия машиналарининг электрон ускуналарини созлашда ҳам И. М. Тулузаков қимматли маслаҳатлар беради.

Игорь Михайлович Октябрь тенгдоши. У 1917 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. «Мен Октябрь революцияси ғалаба қилган йили дунёга келганлигим билан фахрланаман. Бутун умрим бўйи Коммунистик партияга ва она-Ватанга садоқатли бўлишни муқаддас бурчим деб биламан» — дейди у.

Бугун бизнинг Игорь Михайлович эллик ёшга тўлади. Унинг қариндош-уруғлари, ёрубиродарлари, Э. Ризаев, Т. Ҳасанов, Е. Попова, В. Тезякова, А. Гесс сингари қатор шогирдлари, кўпгина ҳамкасабалари уни эллик ёшга кирганлиги билан қутлайдилар. Бизлар ҳам ҳурматли, меҳнатсевар, жонкуяр Игорь акани муборакбод этамиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз!..

Р. УМАРОВ.

Суратда: И. М. Тулузаков иш устида.

БАЙКАЛГА НЕЧТА ДАРЁ ҚУЙИЛАДИ

Сибирдаги машҳур денгиз-кўлга қуйиладиган дарёларнинг сони нечта ўзи? ТАСС мухбири йирик байкалшунос олим, профессор М. М. Кожовдан мана шу саволларга жавоб беришни сўради.

Байкалга қуйиладиган дарёларнинг сони тўғрисида маълумотлар хилма-хил эканлигини тушунтириш осон. Гап шундаки, Байкалнинг йирик дарёларини бармоқ билан санаб чиқиш мумкин, деса бўлади. Улар даставвал Селенга, Юқори Ангара, Баргузин, Турка, Кичера, Снежная дарёларидир. Байкалга қуйиладиган дарёларнинг кўпчилиги эса, майда сой ва анҳорлардир.

Байкалга 300 дан ортиқ дарё ва сой қуюлади. Баҳодир Байкал сувини 550 минг квадрат километрдан ҳам ортиб кетадиган жуда катта майдондан тўплайди. Аниқланган сўнгги маълумотларга кўра, Байкалдаги сув 22.707 куб километр бўлиб, у Америкадаги бешта улкан кўлнинг ҳаммасидаги сувга тенг келади. Бу жаҳондаги бутун чучук сув запасларининг каттагина қисмидир.

А. ГАЙДАЙ,
ТАСС мухбири.
Иркутск.

ХОККЕЙ ИШҚИБОЗЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

Жаҳоннинг энг кучли хоккей командалари Венага тўпланишди. Бу ерда навбатдаги жаҳон биринчилиги мусобақалари ўтказилади. Тошкентлик ишқибозлар ана шу биринчилик мусобақаларини «занжирли экран»да томоша қилишлари мумкин. Тошкент телевидение студияси Интервидениенинг эшиттиришларини Москва орқали олиб кўрсатади.

Бугун маҳаллий вақт билан соат 15.00 да СССР — Финляндия ўртасида бўладиган ўйин олиб кўрсатилади. Эртага эса СССР—АҚШ хоккейчилари учрашади. Бу матч соат 19 да бўлади.

Ҳурматли хоккей ишқибозлари. Қуйида Тошкент телевидениеси олиб кўрсатадиган ўйинлар жадвали (маҳаллий вақт билан) келтирилади. 20 март. Соат 19.00 да ЧССР—ГДР. 21 март. Соат 01.30 минутда ЧССР—АҚШ. 23 март. Соат 22 да СССР—ГФР. 25 март. Соат 22.00 да СССР — Швеция. Соат 01.30 минутда ЧССР—Канада. 26 март. Соат 02.00 да ГДР—ГФР. 27 март. Соат 22.00 да ЧССР—Швеция, соат 01.30 да СССР — Канада. 29 март. Соат 19.00 да Швеция—Канада, соат 22.00 да СССР—Чехословакия.

ЯНГИЙЎЛДАГИ пойафзал фабрикасининг болалар боғчасида 240 кичкинтой тарбияланяпти. Суратда: болалар тарбиячи Л. Опатерная ўқиб бераётган эртакни тинглашяпти.

Қ. Розиқов фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси)

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 16.55—Эшиттиришлар программаси, 17.00—Қўғирчоқ фильм (болалар учун), 17.20—Телевизион янгиликлар, 17.35—Ғазалхон ёшлигим («Ёшлик» студияси).

20.30 дан—Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 16.55—Эшиттиришлар программаси, 17.00—Чопавер, жилга (болалар учун мультфильм), 17.20—Вьетнам, содиқ дўстларингсен билан (ялпий-оммабоп фильм), 17.40—Чин сўз (қўғирчоқ фильм), 18.20—Улкада баҳор (концерт), 19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.10—Кичик трагедиялар (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 20.50—Советлар мамлакати дўстларимиз кўзи билан (телефильм), 21.10—Телевизион янгиликлар, 21.20—Садолар ҳикоя қилади (Асафьев. «Кавказ асири»), 22.00—Кўча тасодифларга тўла (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—18/III да Спартак, 19/III да кундуз Этик қийган Мушук, кечқурун Лайли ва Мажнун.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—18/III да Қирол Лир, 19/III да кундуз Верона-лик икки йигит, кечқурун Қотил.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—18/III да Гули сиёҳ, 19/III да кундуз Бағри тош, кечқурун Қалам қошлигим.

КИНО

Тепамиздаги осмон — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ФЕСТИВАЛЬ» «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч 6, 8 ва 10 да).

Асов қирғоқда — «МОСКВА», «МИР» «СПУТНИК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли, (кундуз 1-20 минут ва кеч 7 да), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11 ярим ва кеч 8 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
22, 23 мартда
Ўзбекистон ва Туркманистон ССР ҳалқ артисти
КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ
раҳбарлиги ва иштирокида
Хоразм ансамблининг
КОНЦЕРТЛАРИ
Концерт кеч соат 8 да бошланади.

20 мартда
5-АБОНЕМЕНТ БЎЙИЧА «НАВОИЙ, МУҚИМИЙ ва ФУРҚАТ асарлари музикада»
деган темада
шаҳар студентлари учун
ТЎРТИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ
Лектор—музикашунос Илёс Анбаров

VI—Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати, Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ва хор капелласи;

Ўзбекистон халқ артистлари—Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдураҳмонов;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар —Меҳри Абдуллаева, Қундуз Мирқаримова, Тоштемир Шарипов;

Солистлар—Қувондиқ Исанқаров, Моҳира Расулова, Неъмат Қулабдуллаев, Назрулла Ёқубов ва ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашадилар.

Концерт-лекция кеч соат 7 яримда бошланади.

Абонементлардан ташқари билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида кундуз 12 дан сотилади.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
19 мартда
(халқаро ўртоқлик учрашуви) Олимпиада терма командаси (Руминия)—«Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида
ФУТБОЛ
Кундуз соат 5 да бошланади.
21 мартда
(халқаро ўртоқлик учрашуви) Олимпиада терма командаси (Руминия)—«Политотдел» (Тош. обл.) командалари ўртасида
ФУТБОЛ
Кеч соат 6 да бошланади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35272, Редактор ўринбосарлари—В35885, В36232, Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиет ва санъат бўлимлари—В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуш. Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050, Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими—В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34048. Эълонлар бўлими—В38142. Коммутатор—В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р, — 05217. ИНДЕКС 64970. А. — 1822.